

**4-мақсад. Умумқамровли ва адолатли сифатли таълимни таъминлаш ҳамда барча аҳолига бутун умри давомида таълим олиш имкониятини рағбатлантириш.**

Таълим бу инсоннинг имкониятларини кенгайтирувчи асосий ҳуқуқидир. Сифатли таълим олиш инсонларнинг яшаш шароитларини яхшилашга ва барқарор ривожланишига асос бўлади. Охириги ўн йилликда аҳолининг таълим олиш имкониятларини кенгайтириш ҳамда қамровини янада ошириш юзасидан юқори муваффақиятларга эришилди. Шунга қарамасдан, бугунги кунда ривожланаётган давлатларда бошланғич таълим билан болаларни қамраб олиш 91 фоизни ташкил этмоқда. Бутун дунёда мактаб ёшидаги болаларнинг 57 млн.дан ортиғи мактабга боришмайди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 3-6 ёшдаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 2014 йилдаги 20,3 фоиздан 2019 йилда (бирламчи маълумотга кўра) 51,9 фоизгача етди, мактабга тайёрлаш эса 2017 йилдаги 27,7 фоиз ўрнига 68,5 фоизни ташкил этмоқда.


Мактабгача таълим муассасаларида 6 ёшдаги болаларни мактабга тайёрлаш юзасидан мактабгача мажбурий ўқитишнинг янги моделини жорий этиш орқали болаларни мактабга тайёрлаш бўйича қисқа муддатли гуруҳлар ташкил этилмоқда.

Шу билан бирга, давлат ва хусусий шерикчилик асосида мактабгача таълим муассасалари сонини оширишга ҳаракат қилинмоқда.



Мактабга тайёрлов таълими билан болаларни қамраб олиш даражаси 2014 йилдаги 21,8 фоиздан 2019 йилда 68,5 фоизга етди.

**Болаларнинг жинси бўйича уюшган таълимда қатнашиш даражаси (бошланғич мактабга кириш ёшидан бир йил олдин)**



Ҳозирги кунда Республикада 9 833 та умумтаълим муассасалари фаолият юритиб, шундан 350 таси алоҳида фанларни чуқур ўргатувчи махсус мактаблардир.

Умумтаълим мактабларида ўқувчилар умумий сони 6,2 миллион кишини ташкил этади. 88 та нодавлат таълим муассасаларида эса 14,1 минг ўқувчи таҳсил олмоқда.

216 та “Баркамол авлод” марказларида мактабдан ташқари кўшимча таълим берилмоқда. Бу эса болаларга ўзларининг қобилият ва истеъдодларини оширишга имкон беради. Ушбу марказларда ҳар хил йўналишлар бўйича жами тўғарақлар сони 5 040 тани, унда қатнашувчи болалар сони 143,0 минг нафарни ташкил этмоқда.

Шунингдек, ақлий ёки жисмоний ривожланишида нуқсони мавжуд ва узоқ муддат даволанишга муҳтож бўлган 13 437 нафар болага уйда таълим берилмоқда. 19 та меҳрибонлик уйи ва 3 та болалар шаҳарчаларида 2 557 нафар етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болалар тарбияланмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон халқ таълими соҳасида бир қанча ютуқларга эришди. Республикада умимий ўрта таълимдан ҳамма фойдаланиш имконияти яратилди, бундан ташқари ушбу кўрсаткич бўйича ҳудудий ва гендер фарқлар мавжуд эмас. Шунингдек, турли тил гуруҳларининг ўз она тилида ўқиш учун шароит яратилди. Ўзбекистонда ўрта мактаблар етти тилда: ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз, рус, тожик ва туркман тилларида ўқиш имконияти мавжуд.

Умумтаълим мактабларида педагог маълумотига эга бўлган ўқитувчилар улуши 2014 йилдаги 96,6 фоиздан 2018 йилда 99,4%гача кўтарилди.

2019/2020 ўқув йили бошида республикада ўтган йилдаги 98 та ўрнига, 45 та минтақавий филиали бўлган 113 та университет фаолият кўрсатган бўлиб, улардаги жами талабалар сони 407,8 минг нафар, шундан

389,5 мингги бакалавр ва 18,3 минг нафари магистратура босқичида таълим олмоқда.

Жами 77,7 минг киши олий таълим муассасалари бакалавр босқичи битирувчилари бўлса, ундан 28,5 мингтаси давлат гранти асосида ўқиди, магистратура босқичида эса 4,9 мингдан 1,6 мингта битирувчи давлат гранти асосида ўқиган.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида ҳар 10 000 кишига тўғри келадиган олий таълим муассасалари талабалари сони 2014 йилдаги 84 тадан 2018 йилда 108 тага етди, бироқ ҳали ҳам бу кўрсаткич халқаро рейтингларга нисбатан пастлигича қолмоқда.

Шу билан бирга, олий таълим тизими орқали кадрларни тайёрлашга қизиқишни орттиришни таъминлашга қаратилган ижтимоий шерикчиликка йўналтирилган қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда такомиллаштирилиши зарур бўлган жиҳатлар мавжуд, бу эса ўз навбатида битирувчиларни ишга жойлаштиришга салбий таъсир кўрсатмоқда.